



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/2-сон



<b>Шахриёр Шодиёрович Тураев</b> Юридик хизматларнинг таркибида адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари	74
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Росулбек Исломович Пардаев</b> Яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти	79
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Ўзбекистонда янги-музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари	83
<b>Latofat Tolibovna Yuldosheva</b> Tourism System: Tourism Supply and Bridging Components. Evidence from Samarkand	87
<b>Shaxnoza Shuxrat qizi Xashimova</b> Xorij mamlakatlarida sog‘lomlashtirish turizmi va uning rivojlanish xususiyatlari	93
<b>Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов</b> Халқаро туризм индустриясининг ривожланиш динамикаси, шаклланиш тенденциялари	99
<b>Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова</b> Навой вилоятида сафари туризмни ташкил қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари	104
<b>Мухауво Вахрллоевна Хамроева</b> Turizm sohasidagi hududiy transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlili	109
<b>Парвина Аслиддин қизи Холматова</b> Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти	113
<b>Kamol Sharifovich Yuldashev</b> Sayohatni mustaqil rejalashtirishda qo‘llaniladigan axborot texnologiyalari va uning bosqichlari	117
<b>Анжим Айдосбаевна Ембергенова</b> Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризмни ривожлантириш йўналишлари	123
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова</b> Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизми тамойиллари ва усуллари	129
<b>Мохиғул Эркиновна Ахтамова</b> Стратегическое управление проектами в Республике Узбекистан: ключ к экономическому развитию	135
<b>Nargiz Toxirovna Sattarova</b> Mamlakatimizda sanoat korxonalarini boshqarish jarayonini takomillashtirish	139
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Акрам Одилович Очилов, Дурдона Хасан қизи Рахмонова</b> Развитие экономики Кашкадарьинской области на основе внедрения инвестиций	143
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Jaxongir Rasulovich Zaynalov, Shaxnoza Maxmudovna Latipova</b> Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida moliyaviy siyosatni rivojlantirish yo‘llari	148

- 7.Blake, A., J. S. Arbache, M. T. Sinclair and V. Teles (2008), “Tourism and Poverty Relief”, *Annals of Tourism Research*, Vol. 35, No. 1, pp. 107—126.
- 8.Wattanukuljarus, A. & Coxhead, I. (2008) Is tourism-based development good for the poor? A general equilibrium analysis for Thailand. *Journal of Policy Modeling*, 30 (6),929—955.
9. Crouch, G.I. and Ritchie, J.R. (1999) “Tourism, Competitiveness, and Societal Prosperity” *Journal of Business Research* 44, 137—152.

<p><b>З.Абдулхакимов</b></p> <p><b>Динамика развития индустрии международного туризма, тенденции его формирования</b></p>	<p><b>Z.Abdulkhakimov</b></p> <p><b>Development dynamics of the international tourism industry, its formation tendencies</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> в данной статье представлен анализ динамики развития индустрии международного туризма, направления увеличения международных туристских потоков исходя из тенденций их формирования и на этой основе представлены пути увеличения удельного веса международных туристов в туристической отрасли страны.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> туризм, международный туризм, мировая туристическая индустрия, международные туристы, туристические потоки, доходы от туризма, финансовый кризис, прогнозирование.</p>	<p><b>Abstract:</b> this article provides an analysis of the development dynamics of the international tourism industry, directions for increasing international tourist flows based on the trends of their formation, and on this basis, ways to increase the specific gravity of international tourists in the country's tourism industry are presented.</p> <p><b>Keywords:</b> tourism, international tourism, global tourism industry, international tourists, tourist flows, income from tourism, financial crisis, forecasting.</p>

Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА САФАРИ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада туризм соҳасининг ҳозирги вақтда жуда тез ривожланаётган ва бошқа туризм турларига қараганда долзарб саёҳат тури ҳисобланган сафари туризм турларини Навоий вилоятида ривожлантириш имкониятлари ҳамда сафари туризмни ривожлантиришда Навоий вилоятининг салоҳияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** сафари туризм, ёввойи ҳайвонлар, ов қилиш, Айдаркўл, Навоий Қизилқум чўли, Сармишсой дараси, Нурота тумани.

**Кириш.** Янги Ўзбекистонда туризм соҳаси иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи драйверларидан бири сифатида белгиланиб, уни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. «...сув омборлари, ўрмон хўжалиги ерларини ўрганиб, хавфсиз ерларда туристик зоналар ташкил этиш мумкин. Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Навоийнинг чўл ҳудудларида «сафари» туризмни ривожлантириш ҳам мумкин». Бу, ўз навбатида, экотуризмга устуворлик берган ҳолда ҳудудларнинг туризм инфратузилмасини диверсификация қилиш ва модернизациялашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда туризм соҳасида эришилган натижалар билан бир қаторда сафари туризмни комплекс ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини белгилашга имкон берувчи «сафари» турлари, маданий ва спорт тадбирлари учун инфратузилмани яратиш, янги «туризм кишлок»лар барпо этиш, сафари туризм салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш каби истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларидан буён Ўзбекистонда экологик туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши сафари туризмнинг ҳам ривожланишини тақозо қилди. Чунки, мамлакатимизда, хусусан Навоий вилоятида ҳам сафари туризмни ривожлантириш бўйича

катта салоҳият мавжуд. Унинг барча туманларида сафари (ёввойи табиат) га саёхатни ташкил қилишни имкониятлари мавжуд. Аммо, ушбу туристик объектлардан етарли даражада фойдаланилмасдан келинаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўриляётганлигига қарамасдан, ҳали хорижий меҳмонларга жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган туристларга кўрсатиладиган хизмат тизими, айниқса сервис даражаси етарлича шаклланган эмас. Сафари туризм бўйича ихчам ва ҳар томонлама самарали туристик маршрутлар тизими ҳам Навоий вилоятида шаклланган эмас. Бу бизга Сафари туризмни ривожлантириш учун ҳали кўплаб соҳаларни яъни биринчи навбатда инфраструктура, иқтисодий инфратузилмаси транспорт ва алоқа воситалари, омборхона, энергия ва сув таъминоти ва бошқаларни изчил ривожлантиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан мазкур мақоланинг мавзуси бугунги кунда ўта долзарб деб ҳисоблаймиз.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Сафари туризм ва унинг турли шакллари ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари Fennell, Martha Honey, David Weaver, Stephen Wearing, John Neil, Robert Fletcher каби хорижлик олимлар томонидан кўриб чиқилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари М.Б.Биржаков, А.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, А.Д.Чудновский, В.В.Храбовченколар ўз тадқиқотларида сафари турларни ривожлантиришнинг айрим масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Мамлакатимизда сафари туризмни ривожлантириш муаммолари Қ.Х.Абдурахманов, Н.Т.Тухлиев, И.С.Тухлиев, М.К.Пардаев, Б.Х.Тураев, М.Т.Алиева, М.Р.Болтабоев, Е.В.Голышева, О.М.Хамидов, А.Н.Норчаев, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, М.Хошимовлар каби олимларнинг тадқиқотларида қисман тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича маълум ютуқларга эришилган бўлса-да, Навоий ҳудудларида сафари туризмни ривожлантиришнинг турли жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолат алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боис мазкур мақолада Навоий вилоятида сафари туризмни ривожлантириш имкониятлари ва ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган бўлиб, бу танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида билиш назариясининг индукция ва дедукция, мантикий ёндошув, макон ва замон, қиёсий таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, Туризмнинг замонавий турларидан бири сафари туризмдир. Бу соҳа бошқа турларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Зеро, инсонлар учун ушбу туризм тури объектив зарурият натижасида вужудга келади. Чунки, табиат инсонсиз яшаши мумкин, аммо инсонлар табиатсиз яшаб бўлмайди. Мана шу зарурият инсонни табиат қўйнига интилишга, табиатимизни ёввойи мавжудотлари ҳақида маълумот олишга, ҳамда ёввойи табиатнинг сир-асрорлари ҳақида эҳтиёж туғдиради. Бу эҳтиёжни қондириш эса, сафари туризм йўли билан амалга оширилади.

Буларнинг ҳаммаси сафари туризмни ривожлантириш учун асосий ресурс ва имконият бўлиб ҳисобланади. Биргина ҳайвонот оламига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда айни пайтда умуртқали ҳайвонларнинг 677 тури, шу жумладан сут эмизувчиларнинг 108, қушларнинг 432, судралиб юрувчиларнинг 58, амфибияларнинг 2 ҳамда балиқларнинг 77 тури, шунингдек, умуртқасизларнинг 15 мингдан ортиқ тури мавжуд. Ҳозирги кунда сут эмизувчиларнинг 23, қушларнинг 48, судралиб юрувчиларнинг 16, балиқларнинг 17, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3, моллюскаларнинг 14 ва бўғим-оёқлиларнинг 61 тури “Қизил китоб”га киритилган. Улар алоҳида муҳофазага олинган. Худди шундай ўсимлик дунёси ҳам ўзининг бетакрор бойлиги билан ажралиб туради.

"Сафари" сўзини эшитганимизда, биз Африка саваннасини ва у орқали йирик ёвво-

йи ҳайвонларни: шерлар, каркидонлар, буйволлар ва филларни қидиришда ҳаракатланаётган одамни тасаввур қиламиз. Тарихий жиҳатидан қарайдиган бўлсак ушбу туризм тури овчилик билан бирга кечади яъни кемада сувда қуролланган, қўлида балиқ тутадиган қармоғи бор инсонлар тушуниланган. Бу ҳайвонларни овлаш - том маънода ов қилиш ёки оддийгина кузатиш ва фотосуратга олиш туристлар учун завқ беради. Буларнинг барчаси, масалан, арабча исмга ўхшаш гўзал "сафари" сўзи билан бизнинг биринчи таъсуротларимизни шаклланишига сабабчи бўлади. Замоनावий сафари - бу Африка кўриқхонасига эскурсия сафари бўлиб, унинг асосий мақсади ёввойи ҳайвонларни кузатишдир.

Ҳозирги вақтда Африкада сафари пайтида ов қилиш ҳали ҳам рухсат этилади, лекин фақат баъзи кўриқхоналарда ва шу билан бирга у қонун билан қатъий тартибга солинади, бу жуда қиммат ўйин-кулгидир ва умуман, замоनावий жамият томонидан қораланади. Сафариларнинг аксарияти миллий боғлар бўйлаб саёҳатлар бўлиб, у ерда сиз ёввойи ҳайвонларни учратишингиз, уларни яқиндан ёки дурбин орқали кўришингиз, суратга олишингиз ва табиий муҳитда кузатишингиз мумкин.

"Сафари" сўзининг ўзи бошқа тилларга Шарқий Африка халқларининг асосий тили - суаҳили тилидан келган. Бу "саёҳат, саёҳат" маъносини билдиради ва ўз илдизи арабча "сафар" сўзидан келиб чиққан. Суаҳили тилида сўзлашувчи мамлакатларда бу тушунча ҳар қандай саёҳатни англатади.

Республикамизнинг бошқа ҳудудларига қараганда айнан Навоий вилояти Сафари турларни ривожлантириш учун жуда катта туристик ресурслар мавжуд. Булардан бири айнан Айдаркўлдир. Айдаркўл — бу сунъий яратилган кўл бўлиб, Нурота шаҳрига яқин жойлашган. Кўл Қизилқум саҳроси ўртасида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли саҳронинг феруза дарёси деб номлашади ва бунинг ҳайратли ери йўқ, зеро, саҳронинг қоқ ўртасида бундай ўлчамдаги кўлни яна қаерда учратиш мумкин.

Айдаркўлнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қизиқ: гап шундаки, ўтган асрнинг ўрталарига қадар кўл ўрнида намлик ери бўлмаган қуруқ ер ҳосил бўлган. Баҳорда эса бу ерда Тузқон кўли ҳосил бўлиб, кунлар исиши билан буғланиб кетарди. Шу вақтда сув сатҳини назорат қилувчи шлюзли Чордарё ГЕСи қурилган. ГЕСга сув Сирдарёдан келиб тушган, бироқ 1969 йилдан 1970 йилга қадар ГЕС сув мўллигидан тоша бошлаган ва тўғон ўпирилишини олдини олиш учун шлюзлар озгина очилган. Натижада, сув Арнасой пасттекислигига оқа бошлаб, кейинчалик Айдаркўл ҳосил бўлган. Кўл кўплаб майда ариқларни бирлаштиради ва Орол денгизидан кейин, иккинчи ўринда турувчи Ўзбекистондаги шўр кўл саналади.

Бугунги кунда кўл юзаси 4000 кв.м.ни ташкил қилади. Бундан ярим аср аввал Айдаркўлни ҳеч қайси бир дунё харитасидан топа олмадингиз, ҳозир эса бу — инсон кўли билан яратилган мўъжизакор ердан юзлаб флора ва фауна вакиллари макон топишган бўлиб, улардан айримлари Қизил китобга ҳам киритилган. Айнан шу ердаги ажойиб фауна ва флора бизга сафари туризмни ривожлантиришга жуда катта имкон беради. Шунинг учун кўл нафақат сайёҳларга, балки кўл соҳилида яшовчи камёб ҳайвонлар, қушларни ўрганувчи зоологлар учун ҳам қизиқ жой ҳисобланади. Қушлар бу ерларга, асосан, Орол денгизининг қуриши боис, Қорақалпоғистондан келиб қолишган. Аммо, сайёҳларнинг энг катта эрмаги — балиқ ови бўлиб, энг шинаванда балиқчининг катта орзусидир. Бу ерларда сазан, оққайроқ, зоғорабалиқ, судак ва бошқа турдаги балиқларни учратиш мумкин. Бу ерга балиқ ови ихлосмандлари келишади. Овланган сазан ва лаққа балиқларнинг ўлчами ҳақида маҳаллий аҳоли орасида миш-мишлар юради.

Тўғри, балиқларни қирғоқдан 3 км масофада турибгина овлаш мумкин, лекин бу йирик ўлжани кўлга киритишда ҳалал бермайди. Бу кўлда овланган балиқ Ўзбекистон аҳолисининг учдан бир қисмини балиқ билан таъминлайди, зеро, Айдаркўл майдони Ўзбекистон балиқ хўжалиги таркибига киради. Шунингдек, кўл майдонига бир нечта ов хўжалиги ҳам киради, албатта, кўл яқинида ов қилиш маън қилинган, лекин кўриқхона майдонидан ташқарида ов мавсумлари ўтказилиб, ёввойи ўрдақлар, ғоз, тустовуқ, балиқлар ва ҳатто, ёввойи чўчқаларни ҳам овлашингиз мумкин.

Агар сиз шаҳар шовқини ва беҳаловатлигидан чарчаган бўлсангиз, у ҳолда ҳордик учун бундан-да яхши жойни топа олмайсиз. Айдаркўл аҳоли яшайдиган жойидан узоқ ва бу ерда сиз бутунлай табиат сукунатига чўкиб, кўл бўйида дам олишингиз, тоза ва совуқ сувда чўмилиб, куёшда тобланишингиз мумкин. Кечки пайт ёқимли ҳордикдан кейин сиз ҳақиқий ўтовда дам олиб, туяда сайр қилиб, ўзингизни ҳақиқий кўчманчидай ҳис қилишингиз мумкин. Ўтовлар қадимий кўчманчилар технологияси асосида қурилганлигини кўриб, кўчманчи қабилалар узоқ сафари давомида жуда қулай шароитларда яшаганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳақиқатан ҳам Айдаркўл Ўзбекистоннинг аҳамиятли дурдоналаридан бири бўлиб, бу инсон қўли билан яратилган саҳролар бўйлаб саёҳат қилиш имконини берувчи ягона маскандир.

Айдаркўлни “қумлар орасидаги феруза дарё” деб номлашади. Бу ерлар ҳатто кўпни кўрган, дунёнинг қатор гўзалликлари ва ноёб табиат ҳодисаларидан бохабар инсонларни ҳам ҳайратга солиши ҳеч гап эмас. Айдаркўл Орол денгизининг ўзига хос экологик ан-типоди, окмас ҳовузидир. У саҳро ва даштлардан чарчаган саёҳатчиларни ўзига чорлайди.

Айдар-Арнасой сув тизимига ташриф буюрган меҳмон чексиз завқланади. Бир тарафдан Қизилқум, бошқасидан кўм-кўк кенг кўл бўлиб, унинг ортидан тоғ тизмалари кўриниб туради. Авваллари бу ерда шўр ер бўлган. Кейинчалик тоғ ариқчалари ва жилғалари орқали кўллар пайдо бўлган. Энди Чордарё сув омборининг сувлари билан бирга улар бир йирик сув ҳавзасига, яъни Айдаркўлга айланган.

Сув ҳавзаси 3000 кв.км.ни ташкил қилади. Қирғоқдан уч километр нарига оддий мотор қайиқда бориш мумкин эмас. Айдаркўл марказига хавф-хатарсиз етиб олиш учун мотори кучли махсус қайиқ зарур. Айдаркўл сатҳи бугунги кунда Болтиқ денгизи тизимидан 247 метрни ташкил қилади.

Айдаркўлда сув ости оқимлари мавжуд эмас. Ғарб томон қанчалик борилса, сув шунчалик шўрроқ. Ғарбдаги минерализация — бир литрга 8 граммдан кўпроқ. Дарёнинг шарқий қуйилиш жойида эса 3-5 грамм бўлиб, биооргик ҳаёт шароитини яратади. Шунингдек, сувда сузувчи қуш турлари ҳам кўп. Камёбларидан пушти пеликанларни, оққуш, балиқчи ўрдак, оқ кўтон ва бошқаларни учратиш мумкин. Кўл ажойиб қумлоқ ҳавзаси ва соҳилдаги ўсимликлари билан ўзига тортади.

Навоий вилоятида Сафари туризм маршрутларига киритилиши мумкин бўлган турли хил табиий диққатга сазовор жойлардан яна бири Қизилқум чўли бу ерда сайёҳлик, жип сафари ва экотуризм каби ноёб сайёҳлик имкониятлари мавжуд бўлиб улардан тизимли фойдаланишни тақозо этади.

Ҳар йили октябр ойида Ўзбекистонга Дубай шаҳзодалари лочинлари билан ташриф буюради. Улар Навоий шаҳридан қарийб 50 километр узоқликда 300 гектар ер майдонидаги Амирликлар марказида «Emirates Center for Conservation of Houbara» (Амирликларнинг йўрға тувалоқларни асраш маркази – АЙТАМ) йўрға тувалоқларни овлашади. Шунингдек, АЙТАМ маркази томонидан ҳар йили маълум миқдордаги инкубаторда етиштирилган тувалоқлар очик табиатга қўйиб юборилади. 2020 йилда йўрға тувалоқларни илмий мақсадда табиатдан ажратиб олиш учун жами 357 дона квота ажратилган. Бу сон табиатга Бирлашган Араб Амирликлари томонидан қўйиб юборилаётган тувалоқлар сонининг 10 фоизини ҳам ташкил этмайди. Экология кўмитаси шаҳзодалар ови учун махсус квота ажратиб, уларнинг фаолиятини қонунийлаштирган. Дубай шаҳзодаларининг Навоий чўлларидаги ови минтақада айнан сафари туризмни ривожлантириш имконини беради, чунки ушбу ов туризми 13 йилдан буён фаолият юритиб келаяпти. Бу эса у ерда ов туризмга қизиқадиган сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш имконини беради. Чунки сафари турлар фақат ов қилиш туризми эмас балки ов қилиш жараёнини кузатиш ва суратга олиш жараёнларини амалга ошириш имконини беради бу эса ўз навбатида ташриф буюрган меҳмонга ўзгача бир завқ беради.

Сафари турларни ривожлантириш мумкин бўлган яна бир ҳудуд бу Нурота тумани-дир, туман ўзининг ажойиб табиат манзаралари, тарихий архитектура ёдгорликлари билан кишиларни мафтун этади. 1975 йилда ташкил этилган ва майдони 17,8 минг гектар бўлган

Нурота тоғ ёнғоқзор-мева кўриқхонаси мавжуд. Бу кўриқхонага кўплаб сафари маршрутларни уюштириш мумкин. Оқтоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган шамол таъсирида тебраниб турувчи баҳайбат ҳарсанг тошли «Санжигумон», «Кориз қолдиқлар» каби табиат ёдгорлиги туризмнинг муҳим объектларидан бўлиб ҳисобланади. Кўп асрлик зиёратгоҳ «Чашма булоқ» яқинида «Чилистун» масжиди, мадраса, Абул Ҳасан Нурий мақбараси ва қалъаси жойлашган. Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида «Сармиш дараси» даги қояларда авлодларимизнинг ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи лавҳалар, расмлар ишланган. Жанубий Нурота тизмасида узунлиги 110 м, абсолют баландлиги 1060 м, майдони 163 м келадиган «Майдон карст ғори», Шимолий Нурота тизмасидаги узунлиги 130 м, абсолют баландлиги 1100 м, майдони 70 м келадиган «Хонаихудо карст ғор» да спелеотуризмни ривожлантириш мумкин. Булардан ташқари, XI асрда бунёд этилган ва XVIII аср бошларигача турган «Работ Малик карвонсаройи» сайёҳларнинг тўхташ жойи, шунингдек савдогарларнинг савдо қилиш жойи бўлган. Работ Малик ёнида минг йиллик тарихга эга бўлган маданий ёдгорлиги-сардоба учрайди. Ер ичига 12 м ботирилган сардобада бутун ёз бўйи муздек ва тоза сув сақланган.

Вилоятнинг яна бир юқори туристик салоҳиятга эга тумани Навбахор туманида жойлашган Сармишсой дарасидир Ушбу дара Қоратоғ тоғининг жанубий ёнбағридаги Нурота тоғларида жойлашган. Ушбу тоғлар Навоий шаҳридан 40км ча узокликдадир. Сармишсой дараси Ўзбекистон Республикасининг энг ноёб тарихий ва сайёҳлик комплекси. Сармишсойнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда ажойиб ва хилма-хилдир. Бундан ташқари ушбу дарада бутун Сармишсой дараси бўйлаб оқиб ўтувчи сой мавжуддир. ушбу масканда от ва туяларда сайр қилиш, ов туризми, гастрономик туризм хизматлари ва худуднинг археологик салоҳияти мавжуд.

**Хулоса ва таклифлар.** Изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, Навоий вилоятининг туризм имкониятлари жуда юқори, айниқса сафари туризм учун. Вилоятда сафари туризмни ривожлантириш орқали катта ички имкониятлар юзага келади. Навоий вилоятида сафари туризмни ривожлантириш иқтисодий ўсиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жамият тараққиёти учун катта имконият яратади. Биологик хилма-хилликни сақлаш, инфратузилмани яхшилаш, жамоатчилик иштироки ва барқарор амалиётларга эътибор қаратиш орқали манфаатдор томонлар минтақанинг асосий сафари туризм йўналиши сифатида потенциални очишлари мумкин. Навоий вилоятида гуллаб-яшнаётган ва барқарор сафари туризм саноатини ривожлантириш учун давлат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, маҳаллий ҳамжамият ва хусусий сектор ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Навоий вилоятида сафари туризмни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: Айдаркўл, Нурота тоғлари, Қизилқум чўли, ҳамда Сармишсой дараси худудида сафари туризм дестинацияси режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Лойиҳа мақсадлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- сафари туризм бозори талабларига мослаштирилган тўртта янги хизмат турини, туристик маҳсулотларни ва туристик диққатга сазовор жойларини яратиш: иккита чўлда юришга мослашган махсус Нива машинаси ижараси шохобчаси, учта уй ҳайвонлари ёрдамида туя, от, ва эшакда ҳаракатланиш маршрутлари, иккита сафари туризм мақсадларини амалга ошириш ва кузатиш иншоотлари;

- худудда ташриф буюрган сайёҳларга қулайлик мақсадида интернет, ва мобил алоқа воситаларига алоқа яратиш бериш ва шу асосда дестинацияни тарғиб қилиш;

- сафари туризмни ривожлантиришнинг давлат-хусусий шерикчилик ва кластер механизмларидан самарали фойдаланиш тизимини жорий этиш;

- ушбу туристик салоҳиятни янада ошириш мақсадида вилоятнинг чекка худудларида инфратузилмани яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламиз;

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни. 2004 йил 3 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Экотуризмни ривожлантириш чора-тадбирлари ва сув омборларининг сув сақланадиган зоналарида ер майдонларини ажратиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори.
4. Биржаков М.Б. Введение в туризм. - М.-СПб.: «Невский фонд», 2011. - С. 23.
5. Воронкова Л.П. история туризма и гостеприимства; издательство “Фаир – пресс”; 2010, с. 132
6. Квартальнов В.А., Романов А.А. Международный туризм: политика развития. - М., 2009. С. 8.
7. Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси. СамИСИ, 2015 й. - 254 б.
8. Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. - Самарқанд: СамДУ, - 2005. - 131 б.
9. Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик–рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари: иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – С.: СамИСИ, 2018. - 56 б.

**Интернет сайтлар**

1. <http://www.africa.org.ua>
2. <http://rudocs.exdat.com>
3. <http://worlds.travel>
4. <http://www.all-pages.com>

<p><b>М.Уракова</b></p> <p><b>Возможности развития сафари-туризма в Навоийской области.</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье говорится о возможностях развития сафари-туризма в Навоийской области, который в настоящее время развивается очень быстро и считается более актуальным видом туризма по сравнению с другими видами туризма, а также о потенциале Навоийской области в развитии сафари-туризма.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> Сафари-туризм, дикие животные, охота, пустыня Кызылкум, ущелье Сармишсай, Нуратинский район.</p>	<p><b>M.Uroкова</b></p> <p><b>Opportunities for the development of safari tourism in the Navoi region.</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article talks about the possibilities for the development of safari tourism in the Navoi region, which is currently developing very quickly and is considered a more relevant type of tourism compared to other types of tourism, as well as the potential of the Navoi region in the development of safari tourism.</p> <p><b>Keywords:</b> Safari tourism, wild animals, hunting, Kyzylkum desert, Sarmishsay gorge, Nurata region.</p>
--	---

**Мухайро Вохриллоевна Хамройева** – “Iпак Yo‘li” turizm va madaniy meros xalqaro universiteti tayanch doktoranti

**TURIZM SOHASIDAGI HUDUDIY TRANSPORT XIZMATLARINING IQTISODIY KO‘RSATKICHLARI TAHLILI**

<p><b>Annotatsiya:</b> maqolada turizm sohasininig rivojlanishida transport sanoatining roli va jihatlari ko‘rib chiqilgan. Transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlil qilingan.</p> <p><b>Kalit so‘zlar:</b> transport sanoati, turizm sohasi, iqtisodiy ko‘rsatkichlar, havo transporti, temir yo‘l transporti, dengiz turizmi, avtotransport.</p>
---

**Kirish.** 2022 - yil yanvar oyida O‘zbekiston Prezident Shavkat Mirziyoyev rahbarligida mamlakatni modernizatsiya qilish va rivojlantirish maqsadida “Yangi O‘zbekistonning

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.